



Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти

XII Халқаро иқтисодчилар Форуми

**ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАР
ВА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ
КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ
ҚИСҚАРТИРИШ**

ТОШКЕНТ-2020
27 октябр

**5-бўлим. ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА
ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ЯНГИ ИШ
ЎРИНЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УЧУН
ИНВЕСТИЦИЯВЎИ МУХИТ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУХИТИНИ ЯХШИЛАШ**

*Қобилов Анвар Эшпўлатович,
докторант Қарши давлат университети*

**ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТЎҒРИДАН-
ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекциясининг тарқалиши дунёнинг аксарият мамлакатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё моллиқ бозорларида қаттиқ товарлари нарқининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг олдини олиш ва салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали чоралар кўришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 19 мартдаги коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган йиғилишида таъкидлаганидек, “Бугунги оғир шароит иқтисодиётимиз учун ҳам синув бўлиб, саноат корхоналари, тadbirkorлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу билан бирга иқтисодиётдаги йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур”³.

Қашқадарё вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Республикада энг етакчи вилоятлардан бири бўлишига қарамай, инвестициялар улушида ёқилғи-энергетика мажмуасининг улуши юқориликча сақланиб келмоқда. Худудий лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни жалб қилиш бўйича вилоят Республикада қуйи ўринларда бормоқда.

Пандемия шароитидан келиб чиқиб, вилоятда хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, вилоят туман (шаҳар) ларининг “ўсиш нуқта”ларига хорижий инвестицияларни йўналтириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек, вилоятнинг барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини таъминлаш масаласи долзарб ҳисобланади.

ЮНКТАД (United Nations Conference on Trade and Development) таъкиотларига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)нинг глобал оқимлари 2020-йилда 2019-йилга нисбатан (2019-йилда ТТХИнинг ҳажми 1.54 трлн АҚШ доллари бўлган) 40 фоизгача пасаяди ва ўз кўрсаткичи бўйича 2005-йилдан бери илк мартаба 1 трлн АҚШ долларлик чегарасидан пастга тушиши эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажми 2021 йилда ҳам ўртача 5-10 фоиз оралиғида пасайиши, энг юқори оптимистик сценарийларга кўра, 2022 йилдан бошлаб асосий тенденциясига қайтиши кутилмоқда⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 19 мартдаги коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган йиғилишидаги маърузаси. Халқ сўзи, 20.03.2020 йил

⁴ World Investment Report 2020. International Production Beyond the Pandemic. United Nations publication.

Дунё минтакалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими⁵

Минтакалар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил (баҳорат)	
	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Усиш суръати (%да)	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Усиш суръати (%да)	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Усиш суръати (%да)	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Усиш суръати (%да)
Жаҳон бўйича	1700	-14	1495	-12	1540	3	920- 1080	-40 дан -30 гача
Ривожланган мамлакатлар	950	-25	761	-20	800	5	480-600	-40 дан -30 гача
Европа	570	-16	364	-36	429	18	240-300	-45 дан -30 гача
Шимолий Америка	304	-40	297	-2	297	0	190-240	-35 дан -20 гача
Ривожланаётган мамлакатлар	701	7	699	-2	685	-2	380-400	-45 дан -30 гача
Африка	42	-10	51	22	45	-10	25-35	-40 дан -25 гача
Осиё	502	7	499	-1	474	-5	260-330	-45 дан -30 гача
Лотин Америкаси	156	14	149	-5	164	10	70-100	-55 дан -40 гача
Утиш иктисодиёти мамлакатлари	50	-25	35	-31	55	59	30-40	-45 дан -30 гача

Манба: ЮНКТАД маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Дунё мамлакатларининг иктисодий ривожланиш даражасига қараб гуруҳланиши жиҳатидан, ТТХИ оқими ҳажми 2020 йил якунига келиб, ривожланган мамлакатларда 30-40 фоиз оралиғида, жумладан, ривожланган Европа мамлакатларида 30-45 фоиз оралиғида, ривожланган Шимолий Америка мамлакатларида 20-35 фоиз оралиғида пасайиши баҳорат қилинмоқда (1-жадвал). Ушбу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатлар учун 30-45 фоиз оралиғида пасайиш, ривожланаётган Африка мамлакатлари учун 25-40 фоиз оралиғида пасайиш, ривожланаётган Осиё мамлакатлари учун 30-45 фоиз оралиғида пасайиш ва пасайишнинг энг кескин кўрсаткичи ривожланаётган Лотин Америкаси мамлакатлари учун 40-55 фоиз оралиғида бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон мансуб бўлган ўтиш иктисодиёти мамлакатлари учун 2020 йилда ТТХИ ҳажми 2019 йилга нисбатан 30-45 фоиз атрофида пасайиши кутилмоқда.

Халқаро иктисодий ҳамкорлик ташкилоти (OECD) томонидан пандемия шароитида хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши 3 та сценарий бўйича прогноз қилинган⁶. Энг оптимистик сценарийга кўра, 2020 йилда дунё иктисодиётидаги ТТХИ ҳажми 30-40 фоизга камаяди ва 2021 йилнинг охирига келиб, инкирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичига етади. Ўрта даражадаги сценарийга кўра, 2020 йилда ТТХИ ҳажми 35-45 фоизга камаяди ва 2021 йилнинг охирига келиб, инкирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичидан 3 баробар кам бўлади. Пессимистик сценарийга кўра, ТТХИ оқими 2020 йилда 40 фоиздан ошқировка камаяди ва 2021 йилнинг охиригача ўзгаришсиз қолади.

Тадқиқотчилар томонидан, барча мамлакатлар сингари, ўтиш иктисодиёти мамлакатлари учун ҳам ТТХИ оқимининг кескин пасайиши прогноз қилинаётган бўлсада, мамлакатимизда аввалги йилларда режалаштирилган инвестицион лойиҳалар ҳисобидан ва

⁵ ЮНКТАД маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

⁶ OECD (2020). Foreign direct investment flows in the time of COVID-19.

пандемия шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган хўжалик субъектлари ҳамда тadbirkorларнинг ҳукумат томонидан қўллаб - қувватланиши натижасида ТТХИ ҳажмининг кескин пасайиши ҳозирча кузатилмаётган. Хусусан, 2020 йилнинг 6 ойи давомида мамлакатимиз иқтисодиётида 1046.1 млн АҚШ доллари миқдорида ТТХИ ўзлаштирилди ва ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102.8 фоизни ташкил этди⁷.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятига 2014-2019 йиллар ва 2020 йилнинг 6 ойи давомида жалб қилинган ТТХИ динамикаси (млн. АҚШ доллари)⁸

Йиллар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020 йилнинг 6 ойи давомида
Ўзбекистон бўйича жами	809	1041	1663	1797	625	3717.1	1046.1
Қашқадарё вилояти	232.6	142.6	265.4	201.8	84.0	594.7	176.5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2014-2019 йиллар ва 2020-йилнинг 6 ойи давомида Қашқадарё вилоятига қарийиб 1,7 млрд АҚШ доллари миқдорида ТТХИ ўзлаштирилган (2-жадвал). 2020-йилнинг 6 ойи давомида Республика бўйича ўзлаштирилган жами ТТХИнинг қарийиб 17 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади ва ўз улуши бўйича Республикада Тошкент вилоятидан кейинги ўринда туради.

2019 йилгача вилоятга жалб қилинган ТТХИнинг асосий қисми (жами жалб қилинган ТТХИнинг 90 фоизидан ортиғи) ёқилғи-энергетика мажмуасига кىрувчи Республика даражасидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлса, сўнгги 2 йил давомида ТТХИнинг янги улушида ҳудудий лойиҳаларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Хусусан, 2019 йил давомида вилоятда жами ўзлаштирилган ТТХИнинг 24.5 фоизи (145.5 млн АҚШ доллари), 2020 йилнинг 6 ойи давомида ўзлаштирилган ТТХИнинг 40 фоизи (71 млн. АҚШ доллари) ҳудудий инвестицион лойиҳалар доирасида жалб қилинган⁹.

Амалга оширилаётган ҳудудий инвестицион лойиҳалар доирасида кишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаси бўйича Сингапурнинг “Indogama” компанияси, тўқимачилик соҳаси бўйича Хитойнинг “Litai Textile” компанияси, цемент ишлаб чиқариш бўйича Хитойнинг “Anhui Conch Cement Limited” компаниялари томонидан йirik инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Вилоят иқтисодиётига нафақат халқаро хорижий компаниялар, балки хорижий jisмоний шахслар томонидан ҳам инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хусусан, Бирлашган Араб Амирлиги, Афғонистон Ислom Республикаси, Тожикистон, Туркменистон Республикасининг бир қатор фуқаролари (этник келиб чиқиши ўзбек миллатига мансуб) томонидан саноат, кишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Илмий тадқиқотларда пандемия даври ва ундan кейинги даврларда хорижий инвестициялар жалб қилиниши мумкин бўлган асосий соҳалар сифатида, рақамли

⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁹ Манба: Қашқадарё вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси маълумотлари.

иктисодийёт, соғлиқни сақлаш, биотехнология, шунингдек озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кишлоқ хўжалиги ва агросаноат соҳалари қайд қилинган¹⁰.

Пандемия шароитида мамлакатлар орасида ТТХИ жалб қилиш бўйича юзага келадиган кучли рақобат нуқтани назаридан, Қашқадарё вилоятининг мавжуд қом-ашё захиралари (табiiй бойликлар, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари), инвестицион имкониятлари, салоҳияти ва рақобат устунилиги омилларидан келиб чиққан ҳолда, пандемия ва ундан кейинги даврларда янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартиришда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган хорижий инвесторлар ўртасида ўтказилган сўровномалар таҳлили шуни кўрсатадики, фаолият нуқтани назаридан кузатишган муаммолар сифатида, бино-иншоотлар, ер майдонларининг етишмаслиги, маҳаллий шериклар топиш қийинлиги ва вилоят туман (шаҳар)ларининг инвестицион потенциалли бўйича маълумотларнинг камлиги қайд қилинган¹¹. Шундан келиб чиққан ҳолда, туман (шаҳар)ларнинг “ўсиш нуқта”ларини аниқлаган ҳолда, вилоятда истиқболли инвестицион лойиҳаларни яратувчи “лойиҳалар фабрикаси”ни ташкил этиш лозим. Шунингдек, ҳозирги кунда вилоятда 1500 дан ортиқ бўш турган объектлар мавжуд бўлиб, асосан, айланма маблағнинг етишмаслиги оқибатида ушбу объектлар фойдаланилмастан турибди. Ушбу объектлардан самарали фойдаланиш ва хорижий инвесторлар учун шерик сифатида салоҳиятли тадбиркорларни жалб қилиш мақсадида истиқболли, долзарб инвестицион лойиҳаларни тезкор молиялаштириш учун Қашқадарё вилоятида маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан устас капитали 10.0 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган махсус инвестицион фонд ташкил қилиш лозим.

Иккинчидан, жорий йилнинг 6 ойлик иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, пандемия шароитида Хитойда тўқимачилик саноати энг биринчи бўлиб, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришди (асосан, тиббий ниқоблар ишлаб чиқаришнинг ҳисобидан). Маълумки, Қашқадарё вилояти пахта етиштириш бўйича Республикада етакчи бўлишига қарамай, пахтани қайта ишлаш даражаси бор йўғи 40 фоизни ташкил қилади. Пахтани қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, янги иш ўринларини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш мақсадида вилоятнинг Миришкор, Касби, Косон, Нипон, Қамали, Яққабоб, Чирокчи туманларида тўқимачилик саноати бўйича инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, вилоятнинг Ғузор, Муборак, Косон, Нипон, Деҳқонобод туманларида ёқилғи-энергетика ва кимё саноати таркибидаги йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлиб, ушбу корхоналар учун зарурий эҳтиёт ва бутловчи қисмлар асосан, импорт ҳисобидан қондирилади. Ушбу корхоналар талаби ва бузортмаларидан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги қайд этилган туманларда саноат кооперациясини ташкил қилган ҳолда, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ушбу йўналишдаги инвестицион лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилиш имконияти мавжуд. Ушбу амалиёт орқали, янги иш ўринлари яратиш, ҳудудларнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда валюта маблағларининг тежаллишига эришилади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда инвестиция иқлимини яқшилатиш бўйича олиб борилаётган амалий ислохотлар натижасида, инвесторларда, хусусан, хорижда яшаётган ва келиб чиқиши этник ўзбек бўлган салоҳиятли тадбиркорларда мамлакатимизда бизнес юритиш бўйича қизиқишнинг юқорилиги кузатишмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда,

¹⁰Sufian Jusoh (2020). Malaysia's direct investment policy post-Covid 19: An early analysis of challenges and the way forward, IKMAS Working Paper 1/2020

¹¹ Қобилов А. (2020). Қашқадарё вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jumali. №3, 1-11.

Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари кўмагида ватандошларимизни истикболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ишларига жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, COVID-19 натижасида юзага келган глобал инкироз ривожланаётган ва ўтиш мамлакатлари иқтисодийнинг муҳим драйвери бўлган хорижий инвестициялар оқимининг кескин камайиши – ушбу мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиши, аҳоли даромадларининг қисқариши, ишсизлик даражасининг кўпайиши каби рискларни юзага келтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларнинг мавжуд инвестицион потенциали, рақобат устуңлиги омилларидан келиб чиққан ҳолда, хорижий инвестицияларни ҳудудларнинг “ўсиш нуқта”ларини белгилаб берувчи соҳаларга йўналтириш орқали янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, саноат салоҳиятини юксалтириш ва барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини таъминлашга эришилади.

Шоҳазамий Шохрасул Шохмансур угли,

научный соискатель,

Институт прогнозирования и макроэкономических исследований

ПОДХОД К ОЦЕНКЕ КАЧЕСТВА (S-I)-КЛИМАТА ТРАНСФОРМАЦИИ СБЕРЕЖЕНИЙ В ИНВЕСТИЦИИ НА ОСНОВЕ РЕЙТИНГА И РЭНКИНГА СУБЪЕКТОВ ЭКОНОМИКИ

Развитие современной рыночной экономики характеризуется высокой конкуренцией между собой субъектов экономики (далее – СЭ) за привлечение инвестиции. Для того, чтобы к СЭ и их стране в целом, сложилось отношение как к надежному и устойчивому объекту инвестирования, требуется сформировать у потенциальных внутренних и иностранных инвесторов, желающих эффективную трансформацию своих сбережений на выгодных условиях, элементарное понятие и информацию о степени благоприятности инвестиционного климата в стране, рейтинге и ранкинге СЭ в их инвестиционной деятельности, связанных с эффективной трансформацией сбережений в инвестиции. За долгое время развития рыночной экономики сформировались понятийный аппарат и методологический базис исследования процесса трансформации сбережений в инвестиции¹², а также проведения рейтинговой оценки¹³.

¹² The Collected Papers of Franco Modigliani: The life cycle hypothesis of saving / The Collected Papers of Franco Modigliani. – Vol. 2 ; [edited by A.B. Abel, S. Johnson]. – Cambridge, MA : MIT Press, 1980. – 527 p.; Gough L. Savings and Investments. – London : Teach Yourself Books, 1996. – 203 p.; Петренко И.П. Трансформация сбережений населения в инвестиции: опыт и проблемы в Украине // Экономика Украины. 2014.-№3 (620).-50-61; Римашевская Н.М. Сбережения населения и внутренние источники экономического роста в России: результаты экспериментальных исследований // Экономика и математические методы. Т.34. Вып.3. -с.5-17; Николаенко С.А. Личные сбережения населения // Экономический журнал ВШЭ. №4, 1998. - с.500-507.

¹³ Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2011. - 312 с.; Сухинова С.Е. Региональная специфика инвестиционного климата. - Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2004. - 82 с.; Курбатова Е.В., Безбородова Т.И. Рейтинговая оценка как экономическая категория // В монографии: Теоретико-методологические подходы к формированию системы устойчивого развития предприятий, комплексов, регионов. Под общей ред. В.В. Бондаренко, И.А. Игошиной, М.А. Таниной, Т.И. Безбородовой. - Пенза: Изд-во ПГУ, 2016. -508 с.//с.185-192; Савина А.В. Роль рейтингов при оценке конкурентоспособности предприятий /А.В. Савина // Практический маркетинг. - 2006. - № 113. - С. 7-11; Чегринцева Н.С. Рейтинговая оценка результативности социального партнерства организации / Н.С. Чегринцева // Экономический анализ: теория и практика. - 2010. - № 36. - С. 29-37; Шоҳазамий Ш. Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 352 с.